**Узбекистон Республикаси**
**Кашкадарё вилояти**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**

# "AUDIT-HISOB MARKAZI"
# АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шахри,180100, Мустакиллик-2, тел. +99891-4603010*
*Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й.14 мартдаги АФ №00376 ракамли лицензиясига эга.*

**«Kasbi paxta tozalash» Акциядорлик жамиятининг**
**2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботларига**

## ИЗОХЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*Буюртмачи* «Kasbi paxta tozalash» АЖ
*СТИР раками:200699612. ОКОНХ коди:17111.*
*Манзил: Касби тумани Муглон кишлоги.*
*Санаси: 25.04.2018 йил.*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шахри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150. Х/р. 20208000104153882001) аудитори Зариф Жабборов томонидан «Kasbi paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг баланс, молиявий натижалари тугрисидаги хисоботдан иборат 31.12.2017 йил холатидаги молиявий хисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

**Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги**

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Kasbi paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботларини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

**Изохлар билан фикр билдириш учун асос**

Жамиятнинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатида дивидендлар бўйича тўланмаган қарздорлик 1148319,0 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган дебитор қарздорлик 100704,3 минг сўмни ташкил этган, бирок баланснинг 211-сатрида акс эттирилмаган. Ушбу суммани ҳисобдан чиқариш ва молиявий хисоботларга тегишли тузатишлар киритиш ҳамда дивидендларни ўз вақтида тўлаб бериш лозим.

**Изохлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос буладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий хисоботларга таъсиридан ташкари, «Kasbi paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик келади.

**Аудиторлик ташкилоти рахбари:** **З.Эргашева.**

**Аудитор:** **З.Жабборов.**